

Жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиш тўғрисидаги шартномаси

20__йил” __” _____

-сон _____

(шартнома тузилган жой)

(қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи юридик шахснинг номи ёки жисмоний Ф.И.Ш., ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчиинг ягона идентификация рақами)

номидан _____ асосида фаолият кўрсатувчи, кейинчалик
(юридик шахслар учун)

“Сотувчи”

деб

аталувчи,

номидан

(юридик шахс раҳбарининг ёки жисмоний шахснинг Ф.И.Ш.)

бир томондан ва _____

(худудий электр тармоқлари корхонасининг номи)

номидан _____ асосида _____ фаолият
кўрсатувчи, кейинчалик “Сотиб олувчи” деб аталувчи, унинг раҳбари

(худудий электр тармоқлари корхонаси (ёки филиал) раҳбарининг Ф.И.О)

иккинчи томондан, келгусида биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик.

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу шартнома жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун ўрнатиладиган қуввати 1 МВтгача бўлган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ўз эҳтиёжидан ортиқча қисми «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва келгусида давлат томонидан электр энергиясини кафолатланган тарзда харид қилиш функцияси (ваколлати) берилган орган томонидан (кафолатланган тарзда II тариф гуруҳи истеъмолчилари учун белгиланган тарифнинг 80 фоизи миқдорида) истеъмолчи хоҳишига кўра, камида 10 йил муддат давомида харид қилиниши (кейинги ўринларда Шартнома деб аталади) умумий ўрнатилган қуввати 1 МВтгача (ўзгарувчан ток) бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари объектларидан, микро ва кичик гидроэлектростанциялардан электр энергиясини кафолатланган тарзда камида 10 йил муддат давомида харид қилишга тааллуқлидир.

1.2. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчиларни ягона электроэнергетика тизимига улаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги 610-сон қарори билан тасдиқланган “Электр энергияси, шу жумладан, энергиянинг қайта тикланувчи манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик

субъектларини ягона электроэнергетика тизимига улаш регламенти"га асосан амалга оширилади.

1.3. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган ҳамда ягона энергетика тизимига узатиладиган ва истеъмол этиладиган электр энергиясини ҳисобга олиш приборини ўрнатиш, ечиш, қиёсловдан ўтказиш ҳамда қайта жойига ўрнатиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги 698-сон қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти” (кейинги ўринларда уланиш Регламенти деб аталади) ва амалдаги бошқа норматив—ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда тартибга солинади.

1.4. Ушбу Шартнома ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларига, жисмоний шахсларга, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси (кейинги ўринларда “Ўзэнергоинспекция” деб аталади) ва электр энергияси ишлаб чиқарувчиларни электр тармоқларига улаш мўлжалланаётган истеъмолчиларга татбиқ этилади.

1.5. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланадиган қурилмалар ягона электр энергетикаси тизими операторининг диспетчерлик графигида электр энергиясини сотиб олиш бўйича қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланадиган электр энергиясини ишлаб чиқарувчи қувватларга нисбатан устуворликка эгадир.

1.6. Мавжуд электр тармоқларини реконструкция қилиш ва (ёки) кенгайтириш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини (қурилмаларини) улаш билан боғлиқ харажатлар ушбу тармоқ эгалари томонидан, ягона электр энергетикаси тизимига улашнинг мақбул нуқтасигача эса - қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергиясини ишлаб чиқарувчи томонидан амалга оширилади.

1.7. Ушбу Шартномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

электр энергияси ишлаб чиқарувчи (кейинги ўринларда “Сотувчи деб аталади) — ўз эҳтиёжи ва (ёки) бошқа юридик ёки жисмоний шахсга реализация қилиш учун электр энергияси (қувват), шу жумладан, қуввати 1 МВтгача бўлган қуёш, шамол, биогаз бошқа қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси (қувват) ишлаб чиқарадиган, ўз эҳтиёждан ортиқча қисмини ягона электр энергетика тизимига уланган ҳолда ягона электр энергияси сотиб олувчисига келишилган ҳажмдаги электр энергиясини етказиб берувчи ташкилий- ҳуқуқий шаклларида қатъий назар юридик ёки жисмоний шахс;

ягона электрэнергетика тизимига улашнинг мақбул нуқтаси мансублик чегараси - ишлаб чиқарувчининг мавжуд қувватини бериш учун

электр тармоғи хўжалигининг кучланиш даражаси ва ўтказиш қобилияти бўйича мос бўлган ишлаб чиқарувчи жойлашган жойга яқин жойлашган объекти;

техник шартлар — муайян қувватларни электр тармоғининг муайян нуқтасига улаш учун зарур техник талаблар санаб ўтилган ҳужжат;

қайта тикланувчи энергия манбалари – атроф - муҳитда табиий ҳолда қайта тикланувчи қуёш, шамол энергияси, ер ҳарорати (геотермал), сув оқимларининг табиий ҳаракати, биомасса ва бошқа қайта тикланувчи энергия манбаалари;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш – илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, қидирув, жорий этиш, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари ва фойдаланишга доир ишлар, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш, уни ташиш, тўплаш, реализация ва истеъмол қилиш билан боғлиқ фаолият;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари - қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш, энергияни қабул қилиб олиш, ўзгартириш, тўплаш ва (ёки) узатиш, шунингдек ҳисобга олиш бўйича технологик асбоб-ускуналар мажмуаси, технологик ва (ёки) бутловчи асбоб-ускуналар;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар - қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар;

электр энергиясини сотиб олувчи — қуввати 1 МВтгача бўлган қуёш, шамол, биогаз ва бошқа қайта тикланувчи энергия манбалари электр станцияларида ишлаб чиқариладиган электр энергиясини ўз тармоғига қабул қилувчи электр тармоқлари корхоналари ёки бошқа жисмоний ва юридик шахслар.

2. Шартнома предмети

2.1. “Сотувчи” қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарган электр энергиясини ўзининг эҳтиёжидан (ва бошқа истеъмолчиларга локал тизим орқали етказиб берган ҳажмидан) ошган ҳажмини “Томонлар”га ягона электр энергетика тизимига улашнинг мақбул нуқтасида амалдаги давлат стандартлари кўрсаткичларида етказиб бериш, “Сотиб олувчи” эса қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

2.2. “Томонлар” мазкур Шартнома шартларини бажарилишида, шунингдек Шартномада келтирилмаган ҳолатларда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларга ва Электр энергетика тизими тезкор диспетчерлик бошқарув қоидаларига риоя этиш мажбуриятини олади.

3. Электр энергиясини етказиб бериш шартлари

3.1. “Томонлар” қайта тикланувчи энергия манбаларининг ўзгарувчан

хусусиятини ва ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг “Сотувчи” эҳтиёжидан (ва бошқа истеъмолчиларга локал тизимдан етказиб берадиган қисмидан) ошадиган аниқ ҳажмини узоқ муддат учун ҳисоб-китоб қилиш муаммоларини инобатга олиб, Шартноманинг 2-иловасига мувофиқ “Сотувчи” “Сотиб олувчи”га электр тармоқларининг мансублиги чегарасига қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергиясини етказиб берувчи объектнинг ўрнатилган қувватини ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг йиллик етказиб берадиган максимал ҳажмини кўрсатиб ўтишга келишади.

3.2. “Сотувчи” ва “Сотиб олувчи” томонидан “Томонлар” электр тармоқларининг мансублик чегарасига етказиб бериладиган ва қабул қилиб оладиган электр энергиясининг ҳажми Шартноманинг 3-иловасида келтирилган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари бўйича аниқланади.

“Сотувчи” тармоқнинг маълум ҳисобга олиш нуқтаси орқали электр энергиясини айрим даврларда “Сотиб олувчига” етказиб берадиган ва айрим даврларда ундан оладиган бўлса, бундай ҳисобга олиш нуқталарида алоҳида етказиб берилган ва алоҳида қабул қилиб олинган актив ва реактив энергияни ҳисобга оладиган (реверсив) ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилади.

3.3. Электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек энергия ва қувватни ўлчаш воситалари, ягона электр энергетика тизимининг электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан интеграциялаш шарт.

3.4. Қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарининг ўрнатилган қуввати 10 кВтдан ортиқ бўлган “Сотувчи” ўз ускуналарини таъмирлашга чиқарилишини тезкор бўйсинувдан келиб чиқиб, таъмирлаш бошланишидан олдин ўрнатилган тартибда “Тизим оператори” ёки тегишли ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг тезкор-диспетчерлик хизмати билан келишади.

4. Ҳисоб-китобларни ва тўловларни амалга ошириш тартиби

4.1. Ҳисоб-китоб даври бир календарь ой ҳисобланади.

“Томонлар”нинг келишувига кўра ҳар ўн беш кунликда оралик ҳисоб-китоби амалга оширилиши мумкин.

4.2. “Томонлар” ҳисоб-китоб даврида етказиб берган ва қабул қилиб олган электр энергияси ҳажми учун ўзаро ҳисоб-китобларни қуйидаги тартибда амалга оширадилар.

4.2.1. “Сотиб олувчи” “Сотувчи” етказиб берган электр энергиясини қабул қилиб олиш ва амалда қабул қилиб олган электр энергияси ҳажми учун Шартноманинг 1-иловасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланадиган тариф (бундан буён “Сотиш тарифи” деб аталади) бўйича тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

4.2.2. “Сотувчи” қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариб, уни “Сотиб олувчи”га етказиб бериш билан бирга (бир пайтда) “Сотиб олувчи”нинг тармоқларидан ўз

эхтиёждан келиб чикиб ўрнатилган тартибда белгиланган тариф бўйича электр энергиясини ўзининг электр тармоқларига қабул қилиб олади.

Шартноманинг мазкур бандида келтирилган ҳолатдаги “Томонлар”нинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон Қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” билан тартибга солинади.

4.2.3. “Томонлар” ўртасида етказиб берилган электр энергияси ҳажмига тўловлар, техник шарт талабларига кўра мансублик чегарасига ўрнатилган электр ҳисоблагичнинг (риверсив функцияли ёки алоҳида электр ҳисоблагич) тармоққа узатилган электр энергияси бўйича белгиланган тарифлар асосида ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Бунда:

- Электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва сотиб олувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ электр энергиясини узатиш ва истеъмолини ҳисобга олиш ускуна АСКУЭ тизимида мос (прибор)лари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

- Ҳисоб-китоб ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва сотиб олувчи етказиб берилган ва қабул қилинган электр энергияси тўғрисида электр энергиясини узатиш ва истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари маълумотларини ўзаро алмашади.

- электр ҳисоблагич баланс мансублик чегарасига ўрнатилмаган тақдирда, баланс мансублик чегарасидан электр ҳисоблагичгача бўлган участкадаги технологик йўқотишлар (ишлаб чиқариб тармоққа узатилган электр энергияси миқдорига нисбатан ўзаро ҳисоб-китоб миқдорида) баланс мансублигига кўра истеъмолини ёки ҳудудий электр таъминоти корхонаси ҳисобига ҳисоб-китоб қилинади.

4.3. “Томонлар” биргаликда ҳисоб-китоб даврида ўзаро алоҳида етказиб берган ва алоҳида қабул қилиб олган электр энергияси ҳажмини ҳисоблаб, ойма-ой ҳисоботларга киритадилар.

4.4. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг тўлиқ ҳажми ҳар ойда “Сотувчи” томонидан мустақил равишда ҳисоблагичлар кўрсаткичлари бўйича ҳисобланиб, ойлик ҳисоботларга киритилади ва “Сотиб олувчи”га унинг талаби бўйича унга тақдим этилади.

4.5. Шартнома тузилган пайтдан бошлаб кучга киради. “Сотувчи” қайта тикланадиган манбаларини ягона электр энергетика тизимида улаш ҳақида “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖга ёки унинг таркибидаги корхоналарга мурожаат қилган кундан бошлаб, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортиқча қисмини ягона электр энергетика тизимида узатилган электр энергияси учун замонавий электр ҳисоблагич кўрсаткичларига кўра “Сотувчи” ва “Сотиб олувчи” ўртасида тузилган таққослаш далолатномасига

асосан “Сотиб олувчи” томонидан ҳар бир киловатт-соат учун ҳисоб-китоб амалга оширилади.

4.6. “Томонлар” етказиб берган ва тўлов амалга оширилиши лозим бўлган электр энергияси ҳажми Шартноманинг 4 ва 5-иловасида келтирилган “Томонлар” электр тармоқларининг мансублиги чегарасида аниқланади.

4.7. “Сотувчи” томонидан ҳисобот ойида етказиб берилган ва “Сотиб олувчи” тармоқларига қабул қилиб олган ва аксинча “Сотиб олувчи” томонидан етказиб берилган ва “Сотувчи” тармоқларига қабул қилиб олган электр энергиясини амалдаги ҳажми ҳисобот ойдан кейинги ойнинг биринчи санаси соат 09-00 даги “Томонлар” электр тармоқларининг мансублиги чегарасида ўрнатилган Шартноманинг 3-иловасида келтирилган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

Ўзаро ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари “Томонлар” электр тармоқларининг мансублиги чегарасида ўрнатилмаган бўлса, электр тармоғининг мансублик чегарасидан ҳисобга олиш асбоби ўрнатилган жойгача бўлган тармоқ участкасидаги электр энергиясининг технологик йўқолиши ҳажми “Томонлар” томонидан биргаликда ҳисоблаш орқали аниқланади ва электр тармоғининг мансублигига қараб, “Сотувчи” ёки “Сотиб олувчи”нинг ҳисобига ўтказилади.

4.8. Ҳисобот ойида “Сотувчи” томонидан етказиб берилган электр энергияси учун тўловлар “Сотиб олувчи” томонидан ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар тўлиқ амалга оширилиши шарт.

Электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Сотиб олувчи” “Сотувчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

Электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва “Сотиб олувчи” фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

“Сотувчи” ва “Сотиб олувчи” баланс мансублиги бўйича тармоқларнинг бўлиниш чегараларида _____ кВт*соат шартномавий ҳажмда, тасдиқланган тарифга асосан ҚҚС инобатга олган ҳолда _____ (сумма ёзилади) сўм миқдорида амалга оширилади (бунда, ҳажм ва суммалар миқдори тахминий кўринишга эга).

4.10. Ҳисобот ойида “Сотувчи” томонидан “Сотиб олувчи”нинг электр тармоқларидан истеъмол қилинган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар амалдаги “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”га мувофиқ амалга оширилади.

4.11. “Сотиш тарифи” ўзгарган тақдирда, улар амалга киритилган кундан бошлаб электр энергияси учун ҳисоб-китоблар янги тарифлар бўйича ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

5. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

5.1 “Томонлар” қуйидаги мажбуриятларга эга:

- ҳар йил якуни бўйича электр энергиясини “Томонлар” электр тармоқларининг мансублик чегарасига етказиб берилган миқдорини аниқлаш;
- электр тармоқларининг мансублиги чегарасида электр энергиясининг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларига мувофиқ бўлишини таъминлаш;
- ҳисобот ойи тугаши билан “Томонлар” биргаликда электр тармоқларининг мансублик чегарасига етказиб берилган электр энергияси ҳажмини аниқлаш учун “Томонлар” ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини қайд этиб, Шартноманинг 6-иловасига мувофиқ етказиб берилган ва қабул қилиб олинган электр энергияси (актив, реактив) сарфи бўйича ҳисоботни расмийлаштириш;
- ҳисоб-китоб ойи тугашидан кейинги 5 кун мобайнида етказиб берилган ва қабул қилиб олинган электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузиш.

5.2. “Сотувчи” қуйидаги мажбуриятларга эга:

- ўз эҳтиёжидан ортиқча бўлган электр энергиясини сотиш бўйича электр энергиясини “Сотиб олувчи”га қуйидаги:
 - электр энергиясини ишлаб чиқарувчининг қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг техник тавсифи;
 - электр энергиясини ишлаб чиқарувчининг қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини электр тармоқларига улаш схемасининг нусхаси;
 - ойлар кесимида бир йил давомида электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг прогноз йиллик ҳажмлари кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда таклиф юбориш;
 - қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг умумий ҳажмини алоҳида ҳисобини юритиш;
 - қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг шартномада кўрсатилган қувватларига қўшимча қувватларини тармоққа улашга белгиланган тартибда рухсатномалар расмийлаштириш;
 - “Сотиб олувчига” электр энергиянинг ушбу шартнома шартларига мувофиқ етказиб бериш;
 - “Сотиб олувчи”нинг талабига биноан ҳар йили 1 октябрга қадар келгуси йил учун электр энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилишнинг ойлар бўйича тақсимланган прогноз кўрсаткичларини “Сотиб олувчи”га тақдим этиш;
 - Тарафларнинг ташаббуси билан ушбу Шартнома бекор қилинадиган бўлса, бу ҳақда иккинчи томонни камида бир ой олдин ёзма огоҳлантиришга;
 - ўзининг электр қурилмаларида (хоналарида) ўрнатилган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва уларда ўрнатилган пломбаларнинг

бутлигига, шунингдек иккиламчи занжирларнинг техник ҳолати;

- “Сотиб олувчи”нинг тегишли ходимларини электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва иккиламчи занжирларига кўриб чиқиш учун тўсиксиз киритиш.

- “Сотувчи”нинг етказиб берган сифат кўрсаткичлари миллий стандарт талабларига жавоб бермайдиган электр энергияси сабабли “Сотиб олувчи”нинг электр тармоқларига бирон бир зарарлар етганда, етказилган зарар “Сотувчи” томонидан қопланади.

5.3. “Сотиб олувчи” куйидаги мажбуриятларга эга:

- “Сотувчи” томонидан электр тармоқларнинг мансублиги чегарасига етказиб берилган электр энергиясининг тўлиқ ҳажмини сотиб олиш;

- етказиб берилган электр энергияси учун ушбу Шартноманинг 4-бўлимида назарда тутилган тўловларни амалга ошириш шартлари ва тартибига риоя этиш.

5.4. “Томонлар” куйидаги ҳуқуқларга эга:

бир томон иккинчи томондан ушбу Шартнома шартларига риоя этишни талаб этиш;

“Томонлар” ўзаро келишган ҳолда Шартноманинг 2-иловасидаги “Сотувчи” томонидан электр энергиясининг йиллик етказиб берадиган максимал ҳажмига ўзгартириш киритиш. Бунда, ўзгартириш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 октябрга қадар таклиф берилиши шарт.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки тегишли даражада бажармаганлик учун “Томонлар” Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

6.2. “Сотиб олувчи” “Худудий электр тармоқлари” таркибидаги корхоналар электр қурилмаларини режали–огоҳлантириш таъмирлаш жадвали бўйича таъмирлаш ёки профилактика қилиш даврида электр энергияси таъминоти вақтинча тўхтатилиши ҳақида “Сотувчи”ни камида 3 кун аввал огоҳлантиради.

Шунга кўра, “Сотувчи” электр тармоқларига хизмат кўрсатувчи ходимлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан зарур ташкилий-техник тадбирларни бажаришини, бунда “Сотиб олувчи”нинг электр тармоқларига қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан электр энергияси узатилиши олдини олиш бўйича зарур чораларни кўриши лозим бўлади.

6.3 “Сотиб олувчи” электр тармоқларининг электр қурилмаларини режали–огоҳлантириш таъмирлаш жадвали бўйича таъмирлаш ёки профилактика қилиш ишлари тугатилганидан сўнг, бу ҳақида “Сотувчи”ни дарҳол хабардор этади.

7. Коррупцияга қарши шартлашув

7.1. Ушбу Шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган

барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди. Томонлар ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

8. Форс-мажор

8.1. “Томонлар” энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари натижасида Шартнома шартларини бажармаганликлари ёки тегишли даражада бажармаганликлари учун жавобгар ҳисобланмайди.

8.2. Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 28 октябрдаги 625-сон қарори билан тартибга солинади.

8.3. “Сотиб олувчи”нинг бошқа сабабларга кўра ёки молиявий муаммолар туфайли “Сотувчи” фойдасига тўловларни амалга ошира олмаслиги энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатига кирмайди ҳамда “Сотиб олувчи”ни тўловлар ва пенялари тўланиш мажбуриятларидан озод этмайди.

9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1. Мазкур Шартнома шартларини шархлаш ва бажариш, шунингдек уларни ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ низолар ўзаро музокаралар йўли билан ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ҳал қилинади.

9.2. Низоларни ўзаро музокаралар йўли билан ҳал этишни иложи бўлмаса, “Томонлар” келишилмаган масалаларни ўрнатилган тартибда суд органлари томонидан кўриб чиқилишига киритиш ҳуқуқига эга. Барча низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ҳал қилинади.

10. Алоҳида шартлар

10.1. Электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини ёки уларнинг иккиламчи занжирларини бузилганлиги аниқланганда “Томонлар” электр тармоқларининг мансублик чегарасига етказиб берилган электр энергияси ҳажми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”га мувофиқ аниқланади.

10.2. Шартнома шартлари фақат “Томонлар”нинг ўзаро келишуви билан ўзгартирилиши мумкин ва ёзма равишда амалга оширилиши шарт.

10.3. “Томонлар”нинг реквизитлари ўзгарган тақдирда, реквизитлари ўзгарган томон иккинчи томонни беш кун муддатда хабардор қилишга мажбур. Хабардор қилинмаганлиги натижасида етказилган зарар айбдор томон ҳисобидан қопланади.

11. Яқуний шартлар

11.1. Шартнома икки нусхада тузилди ва _____ дан бошлаб кучга киради.

11.2. Мазкур шартнома 20 ____ йил “ ____ ” _____ дан 20 ____ йил “ ____ ” _____ гача амал қилади.

Тарафларнинг ташаббуси билан шартномага ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

12. Томонларнинг манзиллари ва реквизитлари

“СОТУВЧИ”

Юридик манзили:

Банк:

Х/р:

СТИР:

Тел:

м.ў.

“СОТИБ ОЛУВЧИ”

Юридик манзили:

Банк:

Х/р:

СТИР:

Тел:

м.ў.

Мазкур Шартнома юзасидан юридик хизмат хулосаси.

Мазкур Шартнома, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг ____ қисми ____ боби ва Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни билан ўрнатилган нормаларга мувофиқ хўжалик муносабатларини тартибга солади.

Мазкур Шартнома шартлари, жавобгарлик чоралари келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби амалдаги қонунчилик талабларига мос келади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларнинг
 кичик объектларидан ишлаб чиқарилган
 электр энергиясини сотиб олиш
 тўғрисидаги шартномага
 1 – илова

**“Томонлар” ўртасида етказиб берилган электр энергия учун
 тўлов шакли ва тартиби**

1. “_____” _____ 202_____ йилда тузилган _____ -сон Шартномага асосан
 “Сотиб олувчи” _____
 (худудий электр тармоқлари корхонасининг номи)
 “Сотувчи” _____
 (жисмоний шахс Ф.И.Ш ёки юридик шахс раҳбарининг Ф.И.Ш)
 “_____” _____ 202_____ йилдан “Сотиш тарифи” _____ сўм/кВт.с. бўйича
 қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб
 чиқарилган электр энергиясини сотиб олади.
2. “Сотиш тарифи”ни ўрнатишга _____
 _____ асос сифатида олинди.
3. “Сотиб олувчи” томонидан тўловлар “Сотувчи”нинг хоҳишидан
 келиб чиқиб шартноманинг 10-бандида кўрсатилган “Сотувчи”нинг
 шахсий ҳисобига ёки ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри банк тўлови орқали
 амалга оширилади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларнинг
 кичик объектларидан ишлаб чиқарилган
 электр энергиясини сотиб олиш
 тўғрисидаги шартномага
 2 – илова

**“Сотувчи” томонидан йиллик етказиб бериладиган
 электр энергияси ҳажми**

Давр (йил)	“Сотувчи” томонидан “Сотиб олувчи”га етказиб бериладиган қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергиясини ишлаб чиқарувчи объектнинг ўрнатилган қуввати, кВт	“Сотувчи” томонидан “Сотиб олувчи”га етказиб бериладиган электр энергиясининг максимал ҳажми (кВт.с.) *
1-йил		
2-йил		
3-йил		
4-йил		
5-йил		
.....		
.....		
15-йил		
Жами:		

*) “Сотувчи” томонидан етказиб бериладиган электр энергиясининг
 максимал ҳажми тахминий бўлиб, агар “Сотувчи” ундан кам ҳажмларда
 “Сотиб олувчи”га етказиб берса ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди.

“СОТУВЧИ”

“СОТИБ ОЛУВЧИ”

М.Ў

М.Ў

Қайта тикланувчи энергия манбаларнинг
кичик объектларидан ишлаб чиқарилган
электр энергиясини сотиб олиш
тўғрисидаги шартномага
3 – илова

**Электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилган
жойлар ва уларнинг тавсифлари**

Ҳисобга олиш асбоби ўрнатилган жой, кучланиш синфи (кВ)	Ҳисобга олиш асбоби тури (актив, реактив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш асбоби рақами	Ҳисобга олиш асбоби клемма қопқоғидаги пломбанинг номери	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти		Ҳисоб- китоб коэффи циенти	Шартнома тузиш санасига ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичи
				Ток	Кучланиш		
“Сотувчи” томонидан қайта тикланувчи энергия манбаалари қурилмаларидан ишлаб чиқарилган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари							
“Сотувчи” “Сотиб олувчи”дан қабул қиладиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари							

Имзолар

“СОТУВЧИ”

“СОТИБ ОЛУВЧИ”

М.Ў

М.Ў

Қайта тикланувчи энергия манбаларнинг
кичик объектларидан ишлаб чиқарилган
электр энергиясини сотиб олиш
тўғрисидаги шартномага
4 – илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича мансублик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

1. “Сотувчи”нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар
мавжуд: а) ҳаво линиялари

б) кабель линиялари

в) подстанциялар, трансформатор пунктлари

2. “Сотувчи” ва “Сотиб олувчи” ўртасидаги электр
тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси:

3. Улардан қуйидагиларга:

а)

хизмат кўрсатиш “Сотувчи” ходимлари томонидан,

б)

“Сотиб олувчи” томонидан амалга оширилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга техник хизмат
кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди:

Вакиллар:

“Сотувчи”

М.Ў. (имзо)

(Ф.И.Ш)

“Сотиб олувчи”

М.Ў. (имзо)

(Ф.И.Ш)

Қайта тикланувчи энергия манбаларнинг
кичик объектларидан ишлаб чиқарилган
электр энергиясини сотиб олиш
тўғрисидаги шартномага
5 – илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс бўйича
мансублик чегарасини аниқлаш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Изоҳ: Томонлар электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси бир чизикли схема келтирилиб, чегара пунктир чизик орқали белгиланади.

Вакиллар:

“Сотувчи”

М.Ў. (имзо)

(Ф.И.Ш)

“Сотиб олувчи”

М.Ў. (имзо)

(Ф.И.Ш)

Қайта тикланувчи энергия манбаларнинг кичик объектларидан ишлаб
чиқарилган электр энергиясини сотиб олиштўғрисидаги
шартномага 6 – илова

**Қайта тикланувчи энергия манбаалари қурилмаларидан ишлаб чиқарилган, ягона энергетика тизимига
етказиб берилган ва қабул қилинган электр энергияси (актив, реактив) сарфи бўйича
ҲИСОБОТ**

20__ йил _____ ойи бўйича
Кўрсаткичлар қайд этилган сана “__” _____ 20__ йил.

Уланманинг номи	Ҳисоблагичнинг завод номери, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ўлчов трансформаторлари			Ҳисоблагич кўрсаткичлари		Ҳисоблагич кўрсаткич ларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВар.с.	Тарифлар, сўм.	Сумма, сўм.
		ток трансфор матори (ТТ)	кучланиш трансфор матори (КТ)	Ҳисоб-китоб коэффи циенти	бошлан гич	охирги				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
“Сотувчи” томонидан қайта тикланувчи энергия манбаалари қурилмаларидан ишлаб чиқарилган электр энергияси хажми										
Жами										
“Сотувчи” “Сотиб олувчи” тармоғига узатган электр энергияси хажми										
Жами										
“Сотувчи” “Сотиб олувчи”нинг тармоғидан олган электр энергияси хажми										
Жами										

Изоҳ: гр8=гр7-гр6, гр9=гр8*гр5

“Сотувчи”

М.Ў. Ф.И.Ш

“Сотиб олувчи”

М.Ў. Ф.И.Ш